

ЭТНОТАФАККУРНИНГ ИЖОБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ БОРАСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Умарова Фарида Саидикрамовна

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчisi,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Мақолада этнотафаккурниг pragmatism, innovation, тадбиркорлик, янгиланиши жараёнлари билан боғлиқ масалалари муҳокама қилинади, бу борадаги фалсафий қарашларга мурожсаат этилади.

Калим сўзлар: этнотафаккур, ҳалқ онги, миллат тафаккури, рационал тафаккур, pragmatism, сиёсий тафаккур, иқтисодий тафаккур.

ABSTRACT

The article discusses issues of ethno-thinking related to pragmatism, innovation, entrepreneurship, renewal processes, and addresses philosophical views in this regard.

Key words: ethno-thinking, national consciousness, national thinking, rational thinking, pragmatism, political thinking, economic thinking.

КИРИШ

Халқ, миллат ижтимоий борлигини ифода этган ҳар қандай воқелик, ҳодиса маълум бир маънода рационал маънога, прагматистик хусусиятга эга. Келажакни мистицизм ва спиритизмга муккасидан берилган кишилар, элатлар эмас, балки ақлу идрокка, давр талабларини англаган, бу ўриндаги муаммоларни амалий ҳал этишга қодир, Д. Дьюон ибораси билан айтганда “тафаккурда реконструкция” қила оладиганлар яратган [1; С. 5-6].

Прагматизм ижтимоий тараққиёт, бу борада амалга ошириладиган инструментлар, эришиладиган ютуқлар, натижалар, ақлу идрокни уларга йўналтириш тўғрисидаги дунёқараш ҳисобланади [2; С.541]. Уни фалсафий таълимотга айланишида Ч.С.Пирс, Ж.Жемс, Д.Дьюон каби америкалик файласуфларниг роли катта. Айнан улар прагматизмдаги инсонни амалий фаолиятга, кундалик муаммоларни, айниқса ишлаб чиқариш ва иқтисодий ҳаёт масалаларини ҳал этишга қодир ақлу тафаккурига эътибор қаратдилар. Амалий натижа – тафаккур ва фалсафий изланишларниг мақсади бўлишини асослашга интилдилар. Улар прагматизмдаги утилитаризмни тадбиркорлик ва ишбилармонликни, кўпроқ “фойда кўриш”ни ёқлаб чиқдилар. Ж.Жемснинг

“радикал эмпиризми” ҳамма нарсани тажриба келтирган фойда, наф орқали баҳолаш усули сифатида фалсафада ўзига хос ўрин эгаллади [3:C.150].

Тафаккур, шу жумладан, этнотафаккур ҳам, субъектив ҳодисадир. “Ақлу идрок”, “онг”, “тасаввур”, “ҳаёл”, “идрок”, “англаш” каби психологик-гносеологик тушунчалар тафаккурнинг атрибутлари, ички, таркибий қисмлари ҳисобланади. Мазкур тушунчалар тафаккурнинг у ёки бу жиҳатларини, ҳусусиятларини ифода этиб, уни полифункционал воқелик эканини тасдиқлайди. Полифункционаллик биринчидан, тафаккурга таъсир этувчи омилларнинг ранг-баранглиги, серқирралиги, иккинчидан, рационалнинг зиддиятли шаклланиши билан боғлиқдир. Инсон ақлу идрокининг беором изланишга, гоҳо ўзини ўзи рад этишга мойиллиги полифункционалликни муаммолар муаммосига айлантиради.

“Этнотафаккур” халқ, миллат ҳаётига, ақлу идроки, ташқи оламга субъектив муносабатлари, ўзлигини англаши ва ифода этишига оид тушунча ҳисобланади. Унда умуммиллийлик устувор. Шу нуқтаи назардан у тафаккурнинг шахс, гуруҳ, давлат билан боғлиқ поғоналаридан фарқ қиласди.

Халқ, миллат мудом ён-атрофга ўзининг реал эҳтиёжлари, ҳаётий тажрибалари нуқтаи назаридан ёндошади. Ҳатто, улар эъзозлайдиган ва сифинадиган дин, эътиқод, символлар ҳам маълум бир ҳаётий эҳтиёжларни ифода этади. Ижтимоий ҳаёт талабларидан мутлақ узилган эҳтиёж йўқ. Халқ, миллат эҳтиёжлари мудом объектив, реалдир. Шуниг учун этнотафаккурнинг pragmatik ҳусусиятларини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Этнотафаккур халқнинг, миллатнинг объектив борлиққа, ижтимоий муаммоларга рационал муносабати инъикоси ҳисобланади. Ушбу бош белги, ҳусусият орқали биз халқнинг, миллатнинг ижтимоий борлиқни қандай идрок этаётганини англаймиз. Бу идрок силлиқ шаклланадиган ва ўзини зиддиятсиз кўрсатадиган воқелик эмас. Масалан, ўтган асрнинг 90 йилларидаги ўзбек халқи тафаккуридаги ҳолатларни эслайлик. Ўзбек халқи сиёсий тузумнинг даъватларига иккиланмай ишониб келгани туфайли СССРни сақлаб қолиш ғоясининг тарафдори эди. Халқимиз тафаккурида Ўзбекистон кўпмиллатли совет халқи ичидагина барқарор ривожланиши мумкин, деган ўйда эди. Ҳатто 1991 йил 31 августда республикамиз сиёсий мустақилликка эришган пайтда ҳам у “пролетар интернационализми” ва “коммунистик жамият” қуришга ишончни йўқотмаган. Бу ўринда этнотафаккурда зиддиятли, ҳатто консерватив ҳоллар рўй беришини, уни дарров ўзгартириш, янгилаш қийин эканини кўрамиз. Бироқ сиёсий тафаккур ушбу зиддиятли, консерватив ҳолларни бартараф этиш

куватига эга эдики, шу сабабли этнотафаккурда ён-атрофга соғлом назар ташалаш, давр ва ҳаёт муаммоларини миллий тараққиёт нұқтаи назаридан бақолаш тажрибаси пайдо бўлди. Демак, этнотафаккурнинг шаклланишида ва унда янгиланишлар қилишда сиёсий тафаккурнинг етакчи ўрни бор.

Этнотафаккурнинг рационализмга мойиллиги халқнинг, миллатнинг ижтимоий-иктисодий ҳаётга муносабатларида яққол акс этади. Ижтимоий-иктисодий ҳаёт моҳияттан рационализмга, прагматизм тарафдоридир. Шунинг учун ҳам прагматизм фалсафаси асосчилари тадбиркорликка, бизнес ва ўзаро мусобақалашиб, янги инструментларни, техника воситаларини, фаолият шаклларини яратиб яшашга ургу беришади [4;5;6;]. Тадбиркорлик эса наф, фойда кўришга қаратилган фаолият туридир [7: С.190].

Этнотафаккур халқнинг, миллатнинг тарихий тажрибасига таянади, ундаги замонга мувофиқ келадиган усулларни ўзлаштиради. Ўзбекистоннинг бозор иктисодиётiga ўтиш иктисодий тафаккурни янгилаш, халқимиз тарихий тажрибасига мурожаат этиш масалаларини кун тартибига қўйди. Бу мавзуни маҳсус тадқиқ этган мутахассислар фикрига кўра, ўлкамиз халқлари қадимдан замонавий иктисодий тафаккурга мос қарашларга, тажрибаларга эга бўлган. Уларда “иктисодиётдаги меркантилизм (қимматбаҳо олтин, кумуш, жавоҳирлар, савдо-сотиқ ўрни), физиократизм (ер, дехқончилик ва чорвачилик аҳамияти), классик мактаб (эркин тадбиркорлик, баҳолар эркинлиги, хусусий мулк, рақобатнинг роли), мартинализм (қадр-қиммат, ноёблик) каби таълимотларнинг куртаклари ва аниқ белгилари яққол кўзга ташланади” [8; 240 б]. Демак, бугун иктисодий тафаккуrimиздан жой олган бозор иктисодиёти, менежмент асослари, талаб ва таклиф, хусусий мулк, тижорат, бизнес кабилар халқимиз тарихий тажрибаларининг объектив давомларидир. Уларда иктисодий тадбиркорликдан, фаолият турларидан фойда кўриш мумкинлиги рад этилмайди, балки фойда кўришга инсонни фаоллаштирувчи, янги-янги иш усуллари, хизмат турлари ва савдо-сотиқ воситаларини топиш омили сифатида қаралади.

Этнотафаккурни реал ҳаётий муаммолар ва уларни амалий ҳал этиш билан боғлашнинг қанчалик муҳимлиги Президентимиз илгари сураётган инновацион ривожланишдаги вазифалар ҳам тасдиқлайди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан инновацион ривожланишга оид 30 дан зиёд Фармон ва қарорлар эълон қилинди, мамлакатимизнинг 2030 йилигача бўлган инновацион ривожланиш йўллари белгилаб берилди. Ш. М. Мирзиёевнинг прагматик сиёсати этнотафаккурни инновацион ривожланиш томон ўзгартириш, янгилашга қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистонда биргина 2018 йилда чет

эллардаги илғор университетларнинг 7 та филиали очилди, янгича фикрлайдиган, миллий тараққиётни илғор технологиялар билан ривожлантиришга ҳам билими, ҳам тадбиркорлиги билан катта ҳисса қўшадиган олий малакали мутахассислар тайёрлашга киришилди. Бугун Ўзбекистон этнотафаккурда инновацион янгиланишни таъминлаш томон йўл тутган.

Этнотафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий борлиқ билан алоқалари ва динамизми унинг ижтимоий-иктисодий муносабатларда, жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларда, инсон хуқуқ ва эркинликларида, аҳолининг турмуш тарзида акс этади. Этнотафаккур ушбу жиҳатлари билан объективлашиб, умуммиллий, умумхалқ ҳаётига, менталитетига оид воқеликка айланади. Шунинг учун этнотафаккурни ўргангандан мазкур жиҳатларга, ўзгаришларга мурожаат этиш, улар динамикасини кузатиш, ўрганиш даркор.

Махсус социологик кузатувлар натижаларига кўра, 2011 йили мамлакатдаги иктисодий ривожланиш ҳолатидан респондентларнинг 91,0 фоизи қониқиши ҳосил қилаётганини билдирган. 2012 йили бу кўрсаткич 97,1 фоизга, 2013 йили эса 97,3 фоизга кўтарилиган. Юқоридаги йиллар бўйича мавжуд иктисодий ҳолатлар қониқмаётганлар 2,3 фоиз, 0,9 ва 0,8 фоизни ташкил этган [9; С. 27]. Кўриниб турибтики, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги мамлакатдаги иктисодий ривожланишдан қониқади. Агар шундай бўлса, нега Ш.М.Мирзиёев давлат раҳбари бўлгач, ижтимоий-иктисодий ҳаётга “танқидий таҳлил” зарур бўлиб қолди ва бу соҳада салбий ҳоллар илдиз отгани аён бўлиб қолди? деган савол пайдо бўлади. Ш.М.Мирзиёев мамлакатдаги аҳволни таҳлил қиласи экан тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрда бўлиб ўтган VIII съездидаги маърузасида турли “ёвуз иллат”, яъни коррупция, уюшган жиноятчилик, халқ дарди ва ташвишларига бефарқлик, қонунлар ижросининг пастлиги, ишсизлик, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва модернизациялаш, тадбиркорлар ҳукуқларини бузиш, бюрократия, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, аҳолини газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлашда жиддий камчиликлар мавжудлигини очиқ эътироф этди. Мана, унинг жиноятчилик негизларини топишга даъват этилган сўзлари: “Хар бир ҳолат ва вазият бўйича туман ҳокими, вилоят ҳокими ва бошқа масъул раҳбарлар шахсан жавоб берадиган вақт келди. Жиноятнинг сабаби нима ўзи? Ўғирлик қилган бўлса, у нима учун бўляпти? Қани профилактика нозири? Қани бизнинг ишонган маҳалла раисимиз, қани жамоатчилигимиз? Бу саволларга жавоб йўқ” [10; 53 б.]. Мустақиллик йилларида миллий иктисодиётда

ривожланишлар бўлганини давлатимиз раҳбари эътироф этган ҳолда, асосий мақсад нима эканини уқтириди: “Лекин, ҳаммамизга аёнки, ўсиш суръатлари – бу шунчаки бир мақсад эмас. Бундай ўсиш аввало ҳалқимизга, ҳар бир фуқарога қандай наф етказиши, унинг энг аввало дастурхонида кундалик ҳаётида қандай акс этиши биз учун муҳим масаладир” [10; 60 б.]. Минг афсуски, ўтган ўн йилликларда иқтисодий ривожланиш бу муаммони ечишга ёрдам бермоқда. Аҳоли қашшоқлиги даражаси юқорилигича қолаверди. Ҳозирги кунда аҳолимизнинг 12 фоизи қашшоқликда яшайди [11].

Президентимизнинг Фармон ва Қарорларидан, видео йигилишларидан озгина хабардор киши ижтимоий-иктисодий ҳаётда қанчадан-қанча муаммолар йиллар давомида ечилмай қолганига гувоҳ бўлади. Мазкур ҳоллардан ҳалқ, кишилар, юқоридаги респондентлар беҳабар бўлишганми? Албатта, йўқ. Бўлмаса, нега жавоблар иқтисодий ўсишни идеал, инсоният ҳавас қиласидиган даражада, яъни 97,3 фоиз қилиб кўрсатаяпти? Демак, этнотафаккурда илғаш қийин бир нимадир бор.

Ўша манбадан яна бир мисол келтирамиз. Респондентларнинг 2011 йилда 96,5 фоизи, 2012 йили 96,4 фоизи, 2013 йил эса 96,7 фоизи мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишидан қониқаётганини билдирган. Орадан икки йил ўтгач Президентимиз Ш.М.Мирзиёев реал ҳолатга эътибор қаратиб дейди: “Биргина 2016 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага 137 минг, Олий судга 17 минг, Адлия вазирлигига 52 мингдан зиёд мурожаатларнинг салкам 30 фоизи бевосита тергов-суд фаолияти ва суд қарорлари ижроси соҳасидаги масалалар билан боғлиқ. Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида такорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Қани, айтинг-чи, бу аҳволда аҳолининг умуман суд-ҳуқуқ тизимиға ишончи ва уни мустаҳкамлаш тўғрисида гапириш мумкинми ўзи?” [10; 48-49 б.]. Президентимизнинг бу саволи юқоридаги респондентларнинг муносабатига ҳам тааллуқлидир. Нима учун суд-ҳуқуқ тизимида салбий ҳолатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш, менсимаслик оддий ҳолга айланган бир пайтда респондентлар жавоби 96,7 фоизга кўтарилиган? Бу ўринда этнотафаккур билан ўtkazilgan социологик сўровнома натижалари ўртасида кескин фарқлар борлиги кўзга ташланади. Бизнинг фикримизча этнотафаккурдаги қуйидаги жиҳатлар оммавий социологик сўровнома пайтида ҳисобга олиниши даркор.

Биринчидан, этнотафаккурни фақат оммавий сўровнома натижалари (респондентлар жавоблари) билан чегаралаш мумкин эмас. Респондентлар жавоблари аҳоли қатламлари, уларнинг кайфиятларига қараб ўзгарувчан воқеликдир. Этнотафаккур эса ҳалқ, миллат менталитетидаги барқарор, ташқи

таъсирларга гоҳо бефарқ, муқим хусусиятларга эга воқелик. Этнотафаккур кунаро, ҳар қандай ташқи таъсир остида ўзгарадиган воқелик эмас, у аста-секин трансформацияга учраш хусусиятига эга.

Иккинчидан, оммавий сўровнома расмий кўрсатмалар, ички идеологик тазийик ёки таъсир остида давр талабига мувофиқлаштирилиши, фальсификациялаштирилиши мумкин. Этнотафаккур барқарор воқелик сифатида ўзини қайта ва қайта намоён этаверади. У халқ, миллат тафаккури, менталитети, субъектив борлигининг ядросини ташкил этади.

Учунчидан, оммавий социологик сўровнома оперативликни яхши кўради. У куннинг долзарб масалаларини аниқлашга қаратилади. Ҳозиржавоблик, оперативлик бундай кузатувларнинг бош хусусияти ҳисобланади. Этнотафаккурни бундай тадқиқот усуслари билан илғаш, баҳолаш қийин. У узоқ, синчиклаб, изчил ўрганишни тақозо этади. Куннинг долзарб талаблари ёки муаммолари ҳали этнотафаккурга оид бўлавермайди. Улар ўртасидаги фарқлар ҳар икки ёндашувга, тадқиқот усулига алоҳида воқелик, усуслар сифатида қарашга ундаиди.

Тўртинчидан, этнотафаккурдаги барқарорлик, муқимлик консерватив ходиса сифатида идрок этилиши мумкин. Бундан қўрқмаслик зарур. Бизнинг фикримизча, айнан ушбу консервативлик этнотафаккурни бирор халққа, миллатга оид воқелик эканини англатиб туради, субъектив воқеликка миллийлик бахш этади. Бирор халқни, миллатни ўрганиш муаммоси пайдо бўлганида унинг менталитетига, тафаккур тарзига мурожаат этилиши шундандир.

Бешинчидан, этнотафаккурни дорма сифатида қабул қиласлик зарур. Ундаги консервативлик мутлақ ўзгармас эмас. Барча онг, тафаккур шакллари сифатида этнотафаккур ҳам трансформациялашади, яъни давр талаблари таъсирида ўзгаради, янгиланади ёки бошқа кўринишга, шаклга ўтади. Бироқ бундай ўзгариш революцион тарзда эмас, балки тадрижий тарзда рўй бергани маъқул. Тўғри, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “танқидий таҳлил” усулида эскича ишлаш, коррупция, бефарқлик каби иллатлар мамлакатни олдинга силжишга халақит бераётгани, шу боис уни инновацион ривожлантириш зарурлиги асослаб бўрилган. Гап “сити”лар барпо этишда эмас, муаммо халқ, миллат тафаккури, онги ва ўз тақдирига муносабатини ўзгартиришдадир. Президент янги олий ўкув юртлари ва ижод мактаблари очиш, илм-маърифатни юксалтириш, халқ амалий санъати, мусиқа, рақс ва маданиятни инновацион ривожлантириш ҳақида гапирганида, Фармон ва Қарорлар қабул қилганида этнотафаккурни ўзгартиши ҳам назарда тутади. Шундай экан, маълум бир

ислоҳотлар, модернизация таъсирида этнотафаккурда янгиланиш қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Дьюн Д. Реконструкция в философии. Проблемы человека. – Москва, Республика, 2003.
2. Новейший философский словарь. – Минск, Изд. В.М. Скакун, 1998.
3. Жемс В. Прагматизм. – Санкт-Петербург, 1990.
4. Philip P/ Wiener, Evolution and the Founders of Modern Pragmatism. – Cambridge, 1949.
5. James W. Essays in Radical Empiricism. – N.Y., 1949.
6. Лингарт И. Американский прагматизм. – Москва, Ин. лит-ра, 1954.
7. Чжен В.А. ва бошқалар. Законодательные основы рынка. Т.3. – Тошкент, Шарқ, 1996.
8. Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент, Ўзбекистон НМИУ, 2011.
9. Узбекистан: общественное мнение. – 2013. (по результатам целевого социологического исследования) // Ижтимоий фикр. Право человека. 2014, №1 (65).
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017.
11. Узбекистан, бедность. МОТ/Общество. 14.12.2018.